

Фикҳ дарслари (29-дарс). Бир неча мазҳабнинг далилли китоблари



21:10 / 17.04.2019 5935

Бир неча фикҳий мазҳабнинг қарашларини ўзида жамлаган китобларни уламолар «фикҳул муқорин» дейишади. Бу истилоҳни сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсак, «яқинлаштириш фикҳи» деган атама пайдо бўлади. Баъзи фуқоҳолар худди шу маънода китоблар тасниф қилганлар ва ўз китобларида ҳар бир мазҳабнинг далилини ҳам келтирганлар.

1. «Муғний».

Бу китобнинг муаллифи Муваффақуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Қудомадир. У киши ҳанбалий мазҳабида бўлган.

«Муғний» ўзига хос фикҳий энциклопедиядир. Аслида «Муғний» «Мухтасари ал-Харақий»нинг шарҳидир. Шунинг учун ҳам «Муғний»

фиқҳий боблар асосида бўлган.

Муваффақуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Қудома ўз китобида ҳар бир масалани батафсил шарҳ қилади ва унга оид далилларни келтиради. Сўнгра фуқаҳоларнинг мазҳабларини баён қилади. Уларнинг иттифоқ қилган ерларини айтади ва ҳеч бир тарафкашсиз ҳолда далилларни муноқаша қилади, фуқаҳоларни эҳтиром қилган ҳолда кучли далилни кўрсатиб ўтади.

2. «Мажмуъ шарҳул Муҳаззаб».

Бу китобнинг муаллифи Шофеъий мазҳабидаги машҳур олим Абу Закариё Яҳё ибн Шараф Нававийдир (ҳижрий 676 санада вафот этган).

Имом Нававий бу китобда Абу Исҳоқ Шерозийнинг «Муҳаззаб» номли асарини шарҳ қилган. У ўз шарҳида луғавий ва лафзий маъноларни шарҳ қилиш билан бирга, фиқҳий истилоҳларни таърифлайди. Айти пайтда саҳиҳ, ҳасан, марфуъ ва заиф ҳадисларни ҳамда ровийларни зикр қилади. Кейин осон иборалар ила ҳукмларни баён қилади.

Шунингдек, фиқҳий қоидаларни ҳам эслатади. Кўрилаётган масалага оид шофеъий уламоларнинг фикрларини келтиради. Бошқа мазҳабларнинг қарашларини ҳам баён қилади.

“Фиқҳий йўналишлар ва китоблар” китобидан